O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 10 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 3 (7302)

Da'vat

Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойланади.

Самюэл ЖОНСОН

Ibrat

Фарғона тумани ҳокимияти ҳомийлиги билан тумандаги 160 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари қишки таътилда сўлим Шохимардон қишлоғида жойлашган соғломлаштириш масканида ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИ УФҚЛАР САРИ

Дунёда халқлар кўп, эл-элатлар кўп. Урф-одат, расм-русум, анъаналар ҳам шунга яраша. Дейлик, кимлардир Янги йилни, учинчи мингйилликни ҳануз байрам қиляпти...

Янги йилни биз ҳам шод-хуррамлик билан кутиб олдик. Душанбадан яна одатдаги иш кунимиз бошланди. Рўзғорни бутлаш, хонадонни обод қилиш, соддароқ айтганда, тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетдик. Биз ўзи шундаймиз — бекор ўтира олмаймиз. Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз айтганларидек, кўнгил яратгандаю қўл ишда.

Янги йилнинг биринчи ҳафтаси Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учун ҳам қизғин меҳнат билан бошланди. Улар Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Олмаота шаҳрига тўпландилар.

Икки оғиз сўз Иқтисодий Ҳамжамият тарихи ҳақида. Маълумки, мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви минтақавий ҳамкорликдан бошланади. Зеро, ёнатрофдаги мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, товарлар, хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатини таъминлаш интеграция жараёнларини тезлаштириб, минтақа халқларининг тўқ-фаровон яшаши учун қулай шароит яратади. Мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш имконини беради.

Ана шу мақсадда 1993 йилда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1994-2000 йиллар давомида ўзаро иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича битим имзоланганди. 1994 йилда эса бу икки давлат ягона иқтисодий макон яратишга келишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Бошқача айтганда, ягона иқтисодий макон яратиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосига айланди. Шу боис, 1998 йил Тожикистон ҳам ушбу ҳужжатни имзолади. Айнан шу йили Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур тузилмага Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти деб ном берилди.

Яна Олмаота саммитига қайтамиз. Аввал хабар қилганимиздек, саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Қозоғистон Президенти саройида Иқтисодий Ҳамжамиятга аъзо давлат раҳбарлари — Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев, Имомали Раҳмоновларнинг тор доирадаги мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбат расман «тор доирада» дейилса-да, бу сўз ўзаро мулоқот кўламини ифода этолмайди. Чунки суҳбат мавзуи чекланмади. Президентлар минтақа халқлари тақдирига дахлдор барча масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Мулоқот чоғида минтақавий ҳамкорликнинг аҳволи, унинг истиқболлари атрофлича таҳлил этилди. Хусусан, иқтисод, фан-техника борасидаги ҳамкорлик минтақада тинчликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди. Мулоқот жуда эркин, ошкора, самимий руҳда ўтганлигини алоҳида таъкидлаш керак. У ёки бу масалага муносабатлар рўй-рост, ошкора айтилди. Шундай бўлгани ҳам маъқул. Ҳаёт бор экан, тирикчилик бор экан, муаммо бўлади. Гап мана шу муаммоларни вақтида аниқлаб, уни биргаликда оқилона йўл билан бартараф этишда.

Куннинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

(Давоми 2-бетда)

КОЛЛЕЖ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Кегайли тумани марказида 450 ўринли касб-ҳунар қурилиш коллежи янги асрнинг дастлабки кунларида фойдаланишга топширилди. Умумий баҳоси 800 миллион сўмлик бу касб-ҳунар коллежини "Кегайлиагроқурилиш" акциядорлик жамияти ва Нукусдаги бир қатор қурилиш ташкилотлари қуриб битказди. Мазкур коллежда қурувчи, газ тармоғи таъмирчилари, ҳисобчи ва ҳуқуқшунос-иқтисодчилар тайёрланади.

Коллежнинг фойдаланишга топширилиш маросимида Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи кенгашининг раиси Темур Камолов иштирок этиб, йиғилганларни янги йил ва янги ўқув биноси билан қутлади. Маросимда бино қурилишида фаол қатнашган бир гуруҳ ходимларга Қорақалпоғистон Республикасининг унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Қорақалпоғистон, "Туркистон-пресс"

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси йиғилишида "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.**
- **Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг семинар-ўқуви бўлиб ўтмоқда.**
- **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.**
- **Германия қуролли кучлари сафида янги йилдан бошлаб ўзгаришлар бўлади. Ҳарбий хизматга чақирилаётганларнинг 244 нафари ёш қизлар бўлиб, улар эндиликда нафақат шифокор ёки мусиқачи, балки жанговар қўшинлар сафида шартнома асосида хизмат қилади.**
- **Греция ҳукумати янги йилдан бошлаб еврони мамлакатда муомалага киритиб, Афинадаги хом ашё биржаси ҳамда банклар валюта операцияларини еврода амалга оширмоқда. 15 ойдан сўнг Греция ўзининг 2650 йиллик тарихга эга бўлган пул бирлиги — драхмадан воз кечади.**
- **Хитойнинг Хэнань вилоятида оғирлиги 108 тонна, баландлиги 8,1 ва айланаси 5 метр келадиган, асосан бронзадан ясалган дунёнинг энг йирик қўнғироғи яратилди.**
- **Яқин Шарқ муаммоларини ҳал этиш масаласида АҚШда бўлиб турган Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Миср президенти Муҳаммад Ҳусни Муборак билан Қоҳирада учрашиб, Исроил билан тинчлик музокараларини давом эттириш лойиҳасига қўшилганлигини айтган.**
- **Афғонистон ҳукумати вакили М.Ашрафнинг маълум қилишича, Аҳмад Шоҳ Маъсуд қўшинларининг бир вақтда уч томонлама қарши ҳужумлари оқибатида "Толибон" ҳаракати Шимолий иттифоқ қўшинлари билан бўлаётган ҳарбий жангларда жиддий талофат кўрмоқда.**

DTM tahlili

ЁШЛАРИМИЗ КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАНЧАЛИК БИЛИШАДИ?

Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ҳуқуқий билимларнинг мукаммаллиги, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишдан бошланади. Чунки Конституцияда давлатимиз ҳуқуқий тизимининг етуклиги ифода этилган ва ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида учрайдиган асосий ҳуқуқий меъёрлар ўз аксини топган.

Шундай экан, бугунги демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида Президентимиз таъкидлаганидек, Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртлари дастурига махсус бир дарс сифатида киритишни йўлга қўйиш зарур. Токи ўсиб келаётган ёш авлод Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши бу муҳим тадбирни қўлгилдагидек йўлга қўйишга яна бир асос бўлди.

Фикримизча, Конституцияни ўргатишдан олдин ёшларимизнинг бу борадаги билимлари қанчалик даражада эканлигини аниқлаш лозим. Биз 1998-2000 йилларда олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг тест жавобларини таҳлил қилишда айнан ушбу жиҳатни ҳам таҳлилга тортиб, аниқ ҳолатни тасаввур этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Конституцияга доир саволларни тарих фани таркибидаги ҳуқуқий тестлардан ажратиб олдик ва таҳлил учун уларни қуйидагича структурага солдик:

1. Конституциянинг қабул қилиниши.
1.1. Конституциянинг муқаддимаси.
2. Асосий принциплар.
2.1. Давлат суверенитети.
2.2. Халқ ҳокимиятчилиги.
2.3. Конституция ва қонуннинг устунлиги.
2.4. Ташқи сиёсат.
3. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.
3.1. Фуқаролик.
3.2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар.
3.3. Сиёсий ҳуқуқлар
3.4. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.
3.5. Фуқароларнинг бурчлари.
4. Жамият ва шахс.
4.1. Жамиятнинг иқтисодий негизи.
4.2. Жамоат бирлашмалари.
4.3. Оила. Оммавий ахборот воситалари.
5. Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши.
5.1.Маъмурий-ҳудудий тузилиши.
5.2.Қорақалпоғистон Республикаси.
6. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши.
6.1.Олий Мажлис.
6.2.Ўзбекистон Республикаси Президенти.
6.3.Вазирлар Маҳкамаси.
6.4.Маҳаллий давлат ҳокимияти.
6.5.Фуқаролар ўзиниўзи бошқариш органлари.
6.6.Суд ҳокимияти.
6.7.Прокуратура.
6.8.Молия ва кредит.

Мудофаа ва хавфсизлик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини бундай структурага солишда 11-синфлар учун тайёрланган "Ўзбекистон тарихи" (Н.Жўраев ва бошқалар) дарслигидан фойдаланилди. Ушбу дарсликнинг 1-4-бобларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусиятлари, давлат ҳокимияти органлари, халқ ҳокимиятчилиги, Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, Қорақалпоғистон Республикаси, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, жамият ва шахсга доир қоидалар тарихий жараён билан боғлиқ ҳолда ёритиб берилган.

Бундан ташқари, мактабларда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фани таркибида "Конституциявий ҳуқуқ" соҳаси 16 соат ҳажмда ўрганилади (янги таълим стандартлари асосида 2001—2002-ўқув йилидан 9-синфда 34 соат ҳажмда ўрганилади.) Шундай экан, олий ўқув юртига кираётган абитуриентлар етарли даражада Ўзбекистон Конституциясига доир билимларга эга бўлишиб, тест топшириқларини ҳал этганлар.

(Давоми 2-бетда)

Давлатимиз рамзлари муқаддасдир!

ДЕМОКРАТИЯ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШ

Xalqaro anjuman

Пойтахтимиздаги "Шератон-Тошкент" меҳмонхонаси мажлислар зали мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга кўпгина халқаро тадбирларнинг асосий ўтказиладиган жойига айланиб қолди десак, ҳеч бир муболаға бўлмас. Мана, 2-3 кундирки, меҳмонхона яна халқаро анжуман иштирокчилари билан гавжум. Бу ерда Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси-Ўзбекистон ҳамда Тошкент Ижтимоий Маърифат Маркази ташаббуслари билан "Таълим ва демократия-2001: ривожланиш ва ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида 3 кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда.

Анжуманга ОЖИКЖ-Ўзбекистон ташкилотининг таълим соҳасидаги хорижий ҳамкорлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларидан мутахассислар ҳамда қатор халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилган бўлиб, унинг асосий мақсади—ОЖИКЖ-Ўзбекистон томонидан мамлакатимизда умумий ўрта таълим дастурлари бўйича ўтган 3 йил даврида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларнинг таҳлил этишдан иборат.

Ушбу халқаро анжуманнинг биринчи кунида ОЖИКЖ-Ўзбекистон ваколатхонаси ижрочи директори, жаноб Ален Делетроз, Халқ таълими вазирининг ўринбосари Рустам Аҳлиддинов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Қаҳрамон Аллаев, Демократия учун таълим фонди (Польша)дан Кшиштоф Становки, ОЖИКЖ Бошқаруви аъзоси, "Тадбиркор аёл ассоциацияси" (Қўқон шаҳри)дан Соҳиба Эргашевалар анжуман иштирокчиларини самимий қутладилар. Куннинг иккинчи ярмида ОЖИКЖ-Ўзбекистон ва Тошкент Ижтимоий Маърифат Маркази таълим дастурларининг тақдимоти, сўнгра "Демократик давлат ва мактаб ислоҳотлари" мавзусида давра суҳбати, "Таълим дастурларини амалга оширишда давлат органлари, мактаб ва жамоат ташкилотларининг шерикчилиги" мавзусида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Кун ниҳоясида анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, амалий баҳс-мунозараларда иштирок этишди.

Ушбу анжуман ҳақидаги батафсил маълумотни газетамизнинг келгуси сонида ўқишингиз мумкин.

Н. УСМОНОВ, "Маърифат" мухбири

МАКТАБЛАРДА БАНК СИНФЛАРИ

Tadbir

Маълумки, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан бир неча йил илгари банк кадрларининг доимий касбий ўсишини таъминловчи узлуксиз таълимнинг беш босқичли тизимига мосланган Концепция ишлаб чиқилган эди. Шунга кўра, 1996 йилда республикамизнинг энг яхши мактабларида 40 та махсус банк синфлари ташкил этилиб, улар Банкларнинг Марказлаштирилган жамғармаси ҳисобидан компьютерларнинг тўлиқ мажмуаси (дастурий таъминот ва мебеллар билан), касса аппаратлари, махсус фанлар бўйича ўқув-услубий материаллар ва қўлланмалар билан таъминланди , автоматлаштирилган ўқув курслари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Шунингдек, ушбу синфларда махсус фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар меҳнати ҳам рағбатлантирилиб, уларнинг илмий даражаси, рейтинг кўрсаткичи ва иш стажига кўра қўшимча ҳақ тўланмоқда. Махсус банк синфлари битирувчиларининг 1999 йилда 90 фоизи, 2000 йилда эса 70 фоиздан зиёдроғи олий ўқув юртларига кирганлиги бу борада дастлабки натижаларнинг ёмон эмаслигини кўрсатмоқда.

Ассоциация томонидан ечимини топган асосий вазифалардан бири, бу банклар учун мутахассис кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янгилаш мақсадида "Таълим тараққиёт" банклараро ўқув-услубий марказининг ташкил этилиши бўлди. Бу марказ мутахассислари томонидан шу кунгача махсус банк синфлари учун ўзбек ва рус тилларида 26 та ўқув-услубий қўлланма тайёрланди ва чоп этилди. Шунингдек, марказда тижорат банклари ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича методика ва ҳужжатлар тўплами тайёрланди. Айни кунда марказ қошида вазирликлараро ўқув-услубий Кенгаш ҳам ташкил этилган бўлиб, ушбу соҳада ўқув-услубий жараённи такомиллаштириш, банклар тизими бўйича кадрлар тайёрлашнинг барча босқичидаги ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид муайян ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Банклараро молиявий хизматлар марказида мамлакатимиз умумтаълим мактабларидаги махсус банк синфларининг ўқитувчилари учун эришилган ютуқлар ва келгусидаги режалар муҳокамасига бағишланган уч кунлик семинар ўтказилди. Семинар иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришга оид мавзулардаги баҳс-мунозараларда қатнашдилар.

Нурлан ЎКТАМ ўғли

ЯНГИ АСРДА

Испаниялик олимларнинг башорат қилишича, бошланган асримизда инсоннинг бўйи ҳозиргига нисбатан 4-5 сантиметрга ўсиши кутилмоқда. Шунингдек, нафақат бўй, инсон умри ҳам узайиши тахмин қилинмоқда. Олимлар янги асрда инсон умри ўртача 100-120 ёш атрофида бўлиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС

Американинг Рокфеллер шаҳридаги тиббиёт институти профессори Френсис Пейтон Роус (1879-1970)га 1967 йилда Нобель мукофоти топширилганда олим 88 ёшда бўлган экан. Инглиз физиги Уильям Пауренс Бреч (1890-1971) 1915 йилда ана шу халқаро мукофотга лойиқ топилганида эса, у атиги 25 ёшда бўлган.

Ўқитувчи ён дафтарига

МАРСДА СУВ МАВЖУДМИ?

АҚШ космик агентлиги-NASAга тегишли "Глобал Сервайер" станцияси Марсда сув изини топишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, қизил сайёрада чуқурлиги бир неча чақиримдан иборат даралар мавжуд бўлиб, ушбу даралар тубидан сизиб чиқаётган сув бор экан. Мутахассислар Марсда узоқ ўтмишда ҳатто океанлар ҳам мавжуд бўлганлиги эҳтимолини таъкидламоқдалар.

ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТ

Тажрибалардан маълум бўлишича, мунтазам равишда қатиқ истеъмол қилиш инсон умрини узайтирар экан. Шунингдек, организмдаги ҳар хил зарарли элементларнинг емирилишида, соч тўкилиши, уйқусизлик, асаб бузилишининг олдини олишда, терини тиниқлаштириш, кўриш қобилиятини ҳамда қон айланиш ва ошқозон фаолиятини яхшилашда қатиқ жуда фойдали экан.

Ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, Форум ҳаракатида жамиятнинг кенг қатламлари — ишлаб чиқарувчилар, олимлар, фан, маданият, санъат арбоблари, тижоратчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам иштирок этади.

Ижодий ишларни ўқир эканмиз, қатнашчиларнинг мустақил фикрлашларидан, она-Ватанига бўлган меҳридан, миллий истиқлол ғояси улар онгига чуқур сингганидан шод бўлдик.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИ УФҚЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Тараққиёт банки фаолияти ҳамда банкнинг аудиторлик текшируви якунлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди. Шунингдек, мажлисда 1994 йил июль ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон ўртасида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва Тараққиёт банкини (МОҲТ) таъсис этиш тўғрисида тузилган битимга ўзгартиришлар киритишга оид масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё республикалари Иқтисодий Ҳамжамияти Форумини чақириш тўғрисида таклиф киритди. Ушбу таклиф анжуман қатнашчилари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Олмаота саммитида Қирғизистоннинг Халқаро тоғлар йилини ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини Марказий Осиё Форумига айлантириш таклифи тўғрисида протокол, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида 1994 йил имзоланган МОҲТ банкини яратиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш бўйича протокол, шунингдек, Бишкекда МОҲТ банки шаҳобчасини очиш ҳамда Ҳамжамият Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин анъанага мувофиқ Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев ва Имомали Раҳмонов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Терроризм инсоният учун энг катта хавфга айланиб бормоқда. Афсуски, ҳар бир киши ва барчанинг тақдирига дахлдор бу муаммо борасида турли хил сиёсий ўйинлар, арзонгаров гаплар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мазкур матбуот анжуманида Рейтер агентлигининг мухбири террорчиларнинг эҳтимоли бор баҳорги хуружи ҳақида тўхталар экан, кўрқмайсизларми, деган маънода кинояли савол ташлади.

— Халқаро террорчи гуруҳлар Тожикистон ҳудудидан Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқулиб кириб, икки йилдан бери тинчлигимизни бузишяпти, — деди Ислом Каримов. — Покистон ва Афғонистон ҳарбий лагерларида пухта тайёргарликдан ўтган бу газандалар ва уларнинг ортида турган кимсаларнинг ниятлари бизга маълум: ёвуз кучлар Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариб, бизни дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришмоқчи.

Террорчиларнинг хуружлари олдиндан тайёрланган режа бўйича кечаётганлигига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу хуружнинг 2001 йилда ҳам такрорланишига биз асло йўл қўя олмаймиз.

МДҲ давлат раҳбарларининг Минск саммитида мен бу хавф фақат Марказий Осиёга эмас, бошқа минтақа ва ҳудудларга ҳам дахл қилишини айтиб, халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб боришга чақирган эдим. Менинг бу таклифимни МДҲ давлат раҳбарлари маъқуллашди. Демоқчиманки, бу масалада биз ҳамфикрмиз. Қўл қовуштириб ўтиришга ҳақ-қимиз йўқ. Имконимиздаги барча воситаларни ишга солиб, босқинчиларга қақшат-қич зарба берамиз. Гап чекланган, аниқ, яъни превентив зарбалар эмас, суверен давлатларнинг қонуний ҳаққи — ўз чегараларини ҳимоя этиши ҳақида кетяпти.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маълумки, Жанубий Қозоғистон, Олмаота, Жамбул вилоятлари ишлаб чиқариш ва маиший эҳтиёжлари учун газни Ўзбекистондан олади. Тўловлар вақтида амалга оширилмаётгани учун Ўзбекистон газ узатишни тўхтатиб қўярмиш, деган миш-мишлар юрибди.

— Қозоғистонлик бирадарларимиз хотиржам бўлишсин. Ваҳимага асло ўрин йўқ, — деди Президент Ислом Каримов. — Газ бўйича икки мамлакат ҳукуматлари даражасида шартнома тузилган. Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажарган ва бундан кейин ҳам бажаради. Тўғри, нархларни қайта кўриб чиқишимиз керак. Биз газни Қозоғистонга арзон нархда сотяпмиз. Ваҳоланки, жаҳон бозорида 1000 метр куб газнинг баҳоси 50 долларга чиқди. Нарх бўйича Қозоғистон ҳукумати билан музокаралар олиб бориляпти, ўйлайманки, бу масала ижобий ҳал этилади.

Олмаота саммитида Ўзбекистон Ҳамжамиятининг фаолият доирасини кенгайтириш, уни Форумга айлантириш таклифини ўртага ташлаган эди. Президентимиз мазкур таклифнинг моҳиятини журналистларга атрофлича тушунтириб берди.

— Иқтисодий Ҳамжамият ўзаро муносабатларимизнинг маълум босқичида муҳим вазифани бажарди, — деди давлатимиз раҳбари. — Лекин, очиқ-ойдин тан олиш керак: у бугун замон талабларига жавоб бермай қолди. Худди МДҲда бўлганидек, ҳамжамиятнинг ҳам қабул қилинган кўплаб ҳужжатлари ишламаяпти.

Бизнинг фикримизча, минтақавий ҳамкорлик фақат иқтисод билан чегараланмаслиги керак. Барчамизга дахлдор талай масалалар борки, уларни фақат биргаликда ҳал этиш мумкин. Ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, Форум ҳаракатида жамиятнинг кенг қатламлари — ишлаб чиқарувчилар, олимлар, фан, маданият, санъат арбоблари, тижоратчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам иштирок этади. Биз Форум ғоясини кўр-кўрона ихрож этиш тарафдори эмасмиз. Ҳамжамиятга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирликларига, экспертлар гуруҳига топшириқ берилган: ҳозир улар Форум имкониятларини ўрганишмоқда. Ҳамжамиятнинг апрель-май ойларида Тошкентда ўтадиган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилади.

Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги кенгаши ўз ишини якунлади. Ватанга қайтиш учун Олмаота аэропортига йўл олар эканмиз, қор ёға бошлади. Ҳаммани зориқтирган, соғинтирган оппоқ-оппоқ қор!... Қор — ёруғлик, қут-барака даракчиси.

Илоҳим, эзгу ниятлар, орзу-армонлар билан янги асрга, янги минг йилликка қадам қўйган қадим Туркистон фарзандларининг ризқи бутун, толейи баланд бўлсин!

Муҳаммад РАҲМОН,
Тошкент — Олмаота — Тошкент.

Olimpiada — 2001

БИЛИМЛАР СИНОВИ

Қишки таътил кунлари барча фанлардан шаҳар олимпиадаси ўтказилиши анъанага айланиб бормоқда. Яқинда "Ёш адабиётчилар"нинг беллашуви ТШЎМОИда бўлиб ўтди. Олимпиада иштирокчиларини қутлаганлар: "Бугунги олимпиада иштирокчиларининг бари ғолиб, улар гарчи ўрин олмасалар-да, албатта, олий ўқув юртларига бемалол ўқишга кира оладилар, чунки мактаб, туман олимпиадаси ғолиблари бугунги беллашувга келганлар" деб барчага омад тиладилар.

Олимпиада II босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда қатнашчилар билими тест орқали компьютерда синовдан ўтказилди. Иккинчи босқичда эса ижодий иш ёздирилди.

Ижодий ишларни ўқир эканмиз, қатнашчиларнинг мустақил фикрлашларидан, она-Ватанига бўлган меҳридан, миллий истиқлол ғояси улар онгига чуқур сингиб бораётганлигидан шод бўлдик.

ТДПУ қошидаги академик лицей ўқувчиси, 1 ўрин соҳибаси Зумринисо Козимова халқимиз танлаган йўлни энг тўғри йўл деб билади: — Бизнинг Ватанимиз осмонидан қора булутлар — мустамлака булутлари сузиб ўтди. Бу даврда юраклар зардобга тўлди, қалблар армон билан лиммо-лим бўлди. Бу армонлардан халос бўлиш учун юрак амрига қулоқ солиш, унинг "Озодлик" дея ҳайқирган нидосига жўр бўлиш лозим эди. Томирида Темурбекнинг, Жалолиддин Мангуберди-нинг қони оқаётган, юраклари буюклар юраги билан ҳамнафас ураётган халқим худди шу йўлни танлади. Эркинликнинг асосий йўли "Маърифат" деб илм сари йўналдилар.

Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг 11 - "А" синф ўқувчиси, II ўрин соҳибаси Гулгун Султонова "Юрак, сенсан менинг созим" мавзусидаги иншосида юракни шундай таърифлайдики, шундай ташбеҳлар топадики, қалбингиз ларзага келади. «Вужудимнинг тилсими, борлигимнинг ягона кашфи, ҳиссиётларим деб гўзал, ҳам турфа иқлимнинг моҳир ҳукмдори юрак. Сенинг қудратинг кўксимда ёққанинг машъали тафти, холис истакларим туғёни ҳамда пок орзуларим маҳсулидир. Қани энди, ҳақиқатда ўчмас фонус бўлсангу, мен сени Данко каби кўксимдан олиб, сени машъала янглиғ қўлимда тутиб, ҳаёт сўқмоқларидан шаҳдам қадамлар билан ҳаётнинг юксак сарҳадларига кўтарилсам».

Гулгун, албатта, ўқиб изланиб, етук журналист бўлиб, юксак сарҳадларга кўтарилади, деб умид қилдик.

Сирғали туманидаги 6-лицей-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Малика Султонқулова ёзади: «Мана, тўққиз йилдирки, халқим, Ватаним мустақиллик оғушида Аллоҳ таолога шукроналар айтиб яшамоқда. Мен ҳар кеча ширин хаёлотларга берилиб, шунга амин бўламанки, халқим қувончи, унинг армонга айланган орзусининг ушалиши мен учун тақдири азалдан тақдим этилган энг катта мукофотдир».

Дарҳақиқат, Малика каби шукрона айтиб, бугунги кунимиз келажаги порлоқ бўлишини ҳис этиб яшаётган фарзандларимиз бор экан, маънавиятимиз юксак, ҳис-туйғуларга бой, ватанпарвар инсонлар кўпаяверади.

Чилонзор туманидаги ТДМУ қошидаги академик лицей ўқувчиси, III ўрин соҳибаси Феруза Исмоилова: "Собиқ Шўро даврида-ги зулматда қолган ҳақиқат, меҳнаткаш халқнинг орзуси йиллар ўтиб, амалда мунаввар тонг бўлиб отди ва она-диёримиз Ўзбекистонга бахтли, саодатли кунлар етиб келди. Бу мунаввар, ҳикматли тонг-мустақиллик рамзи эди. Бу шундай саховатли тонг эдики, бағрида қуруқ чўпдан ниҳол, аччиқ ғўрадан бол етиштиради", деб ёзади.

Ҳайъат аъзолари доцент О.Мадаев, ўқитувчилар Р.Мусаев, М.Раҳимова, Д.Ганиева, М.Ёқуббековалар ҳам қатнашчилар билими ва ижодий ишларидан мамнунликларини изҳор этиш билан бирга айрим иштирокчиларнинг билими ғоят саёзлигидан бироз ранжиганларини айтиб ўтдилар. Олимпиада — билимлар синови, шундай экан бу беллашувга сараларнинг сарасини ажратиб олиб келиш лозимлигини унутмаслигимиз лозим.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнини рейтинг тизими асосида ҳужжатлаштириш ҳамда ўқувчилар давомати назорати давлат ҳужжати бўлган ўқув журнали орқали олиб борилади. Журнал рейтинг тизими низоми асосида тузилган бўлиб, у ўқувчилар ҳақидаги маълумотдан тортиб, давлат имтиҳони ёки диплом ҳимоясигача қамраб олган. Журналда кундалик дарсларни қайд қилиш учун алоҳида саҳифалар ажратилган бўлиб, унда дарслар жуфтлаб қайд қилинади, ўтилган мавзу ёки амалий машғулот мазмуни ёзиб қўйилади, ўқувчиларнинг дарсга қатнашиши назорат қилинади. Журналдаги рейтинг тизимига кириш жадвалини ўқитувчи ўзининг фани бўйича семестрдаги соатлар сонига қараб тузиб чиқади. У директорнинг ўқув ишлари бўйича муовини томонидан тасдиқлангандан кейингина журналга кўчирилади. Ушбу жадвалга ажратилган саҳифалардан кейин ўқувчилар билимини баҳолаш жадвали келтирилган бўлиб, ундаги саҳифалар сони семестрдаги фанлар сонига тенг бўлинади ва 1-жадвалга мослаб тузилиб чиқилади. Худди шу жадвал ҳар бир фан бўйича ўқувчининг кундалик рейтинг дафтарида ҳам чизилган бўлади. Ўқувчилар дарсларда эгаллаган баллари-ни кундалик дафтарларига ҳам кўчириб боришлари лозим. Бу дафтар иккита муҳим вазифани бажаради. Биринчидан, ушбу дафтар орқали ота-оналар фарзандларининг қандай ўқиётганликларидан хабардор бўлиб туришса, иккинчидан, ўқувчининг ўзи ҳам ҳар бир фан бўйича тўплаган балидан хабардор бўлиб боради. Ундан ташқари, кундалик рейтинг дафтарда ҳафталик қолдирилган дарслар сони билан ўқувчининг хулқини қўйиб боришга ҳам алоҳида саҳифалар ажратилган.

Хуллас, журнал давлат ҳужжати бўлиб, уни ҳар бир ўқитувчи, гуруҳ раҳбари масъулият билан тўлдириб бориши керак.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни лозимки, ўқитувчилар рейтинг тизимидаги дастлабки икки жадвални тўлдиришни яхши ўзлаштириб олишлари зарур. Чунки, қолган ишларни, ўқув ишлари бўйича директор муовини назорати остида рейтинг маркази амалга оширади. Бу, ўқитувчи рейтинг тизимини тўла ўрганиши шарт эмас дегани эмас, албатта. Ҳар бир ўқитувчи рейтинг тизимини охиригача ўрганиб олиши, ўрганганда ҳам унга ижодий ёндашиш даражасида ўрганиб олиши зарур. Ўқитувчилар ишини енгиллаштириш учунгина рейтинг тизимини якунлаш директорнинг ўқув ишлари бўйича муовини зиммасига юкланади.

Рейтинг тизими натижаларига қанчалик пухта ишлов берсак ва уларни ёритиб борсак, шунчалик ўқувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратган бўламиз ва бу жараённинг ўқишга, илмга ундовчи хизматлари беқиёс бўлади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, рейтинг натижаларини ўқув юрти миқёсидаги "Рейтинг ойнаси"да ёритиб бориш, ёритганда ҳам таъсирчан ва кўринарли қилиб чиқариш ўқувчиларнинг ундан кейинги ўқишига, билим олишларига ижобий таъсир қилмасдан қолмайди. Худди шу "Рейтинг ойнаси"да бутун лицей ўқувчиларининг семестр натижаси бўйича ўртача рейтинг кўрсаткичларининг камайиб ёки кўпайиб бориш тартибидаги рўйхатидан бошлаб рейтинг тизими натижалари бўйича ўқувчиларни рағбатлантириш буйруғигача, рейтинг кўрсаткичлари статистик тақсимотидан тортиб, гуруҳларнинг ўртача рейтинг кўрсаткичлари бўйича жойлашиш диаграммасигача маълумотлар бўлади.

Робия ИСРОИЛОВА,
Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейи ўқитувчиси

ЁШЛАРИМИЗ КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАНЧАЛИК БИЛИШАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тузилган структура асосида 1998, 1999, 2000 йиллардаги тест сўрови натижалари аниқланди: N 1, N 2, N 3-иловалар.

Шунингдек, ушбу структурага кўра, барча тест топшириқларининг энг юқори, ўртача ва энг паст даражаси ҳамда тест саволларининг тарқоқлик даражаси ҳам (дисперсия) аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Структура бўйича энг паст даража (1998-2000 йиллар ҳисобида) Конституциянинг асосий принциплари, Жамият ва шахс, Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлимларида аниқланди. Бу бўлимларда абитуриентлар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига доир ҳужжатларнинг ва Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, халқ ҳокимиятчилигига доир қоидаларни, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолатига доир саволларга жавоб беришда (2-33,33) қийналганлар.

Тест жавоблари таҳлили яна шуни кўрсатадики, тест саволларига берилган жавобларнинг тарқоқлик даражаси ўртача

1998 йилда - 0,48 - 0,79 фоизни

1999 йилда - 36,48 - 53,38 фоизни

2000 йилда - 20,71 - 71,06 фоизни ташкил этган.

Шунингдек структурага кўра айрим кичик бўлимлар бўйича ўртача натижалар таққосланди (2-жадвалга қаранг).

Бу тестлар таҳлил қилинганда шу аниқланадики, абитуриентлар 1998 йилга (51) нисбатан 2000 йилда (38,6) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши жараёнини ёддан чиқарганлар. Ваҳоланки, "Ўзбекистон тарихи" - дарслигининг 9-бобида (58-64 бетлар) бу мавзу мукаммал ёритиб берилган.

Шунингдек, жамоат бирлашмаларига, суд ҳокимиятига, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига доир тест топшириқлари ҳам паст даражада бажарилган. Жамоат бирлашмаларига доир тест жавобларида ҳам пасайиш кузатилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, абитуриентлар Ўзбекистоннинг мустақиллик даври давлат тузилишини, бошқарилишини ва сиёсатини билиши учун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини мукаммал ўрганишлари керак. Бунда, айниқса, мустақилликка доир ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг мазмунини, суверенликнинг моҳияти асосида унинг белгиларини, халқ ҳокимиятчилигининг асосий хусусиятларини, жамият билан шахс ўртасидаги ўзаро алоқадорликни, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолатини, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, прокуратура, суд органларининг ваколатлари ва фаолиятига боғлиқ конституциявий қоидаларни билишлари лозим. Айниқса бугунги ёшлар "Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари" деган ғоя моҳиятини тўлиқ англаш учун маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисидаги билимларга пухта эга бўлишлари лозим.

Натижалардан кўриниб турибдики, самарадорлик 2000 йилга келиб оз бўлса-да пасайиб бормоқда. Буни қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

1. 1998 йилдан сўнг Конституцияга доир тестлар жамғармаси кўпайди.

2. Тестлар абитуриентлардан маълум ҳуқуқий меъёрни билишнигина эмас, балки чуқур ва ҳар томонлама мушоҳада қилишни талаб этди.

3. "Ахборотнома"да эълон қилинган баъзи тестлар қайта таҳрир қилиниши натижасида абитуриентларнинг тўғри жавобини фақат хотирада сақлаш билан эмас, балки мавзуларни чуқур билиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши фарқлаш билангина топиш талаб этилди.

4. Тест натижалари таҳлили дарслик ва қўлланмалардаги мавзулар айнан Конституциядаги ҳуқуқий меъёрлар асосида ёритилишига абитуриентларнинг эътибор бермаганликлари.

5. Тест натижаларидаги юқори даражадаги жавобларнинг деярли асосий қисми Конституциядаги аниқ қоидага доир тестлардир. Лекин шу қоида асосида абитуриентни чуқур ва ҳар томонлама мушоҳада қилишга ундайдиган тест саволларига абитуриентлар паст даражада жавоб берганлар. Масалан, "Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ким?" деган саволга абитуриентларнинг 79,8 фоизи Конституциянинг 7-моддасига кўра "Халқ" деб тўғри жавоб берганлар. Лекин Халқ ҳокимиятчилигининг асосий моҳияти, хусусиятларига доир тестларга 38,15 фоизгина абитуриентлар тўғри жавоб берганлар.

Юқоридаги тест натижаларининг таҳлили қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб чиқарди:

1.Тарих фани мавзуларини ёритишда ўқитувчилар асосий манба Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан кўпроқ фойдаланишлари зарур. Бунинг учун педагогика олий ўқув юртлари тарих факультетида амалдаги ўқув режа асосидаги Конституциявий ҳуқуқ 8 соат эмас, балки кўпроқ соат ҳажмда бўлажак ўқитувчиларга берилиши лозим.

2. Конституцияни ўргатишда нафақат ҳуқуқий меъёрларни билиш, балки шу ҳуқуқий меъёрларга доир тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритишга ҳам катта аҳамият бериш зарур.

3. Барча фанларнинг Конституция билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши йўлга қўйилиши лозим. Масалан, бошланғич таълимдаги табиётшунослик фанини ўргатишда Конституциянинг 50-моддасидаги "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" деган қоида мукаммал ёритилиши зарур ва ҳ.к.

4. Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун абитуриентларга Конституциядан тест синовлари жорий этилиши зарур.

Шунингдек ДТМ:

а) ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича тузилган тест саволлари таркибига Конституцияни ўргатиш мақсадида Конституцияга доир саволларни киритиши лозим.

б) тарих блоки тест топшириқларининг маълум қисмига Конституцияга доир саволлар киритилиши ҳамда она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, чет тили каби фанлар бўйича тузилган тест саволларини Конституцияга доир мисоллар билан бойитиш керак. Масалан, нотўғри ёзилган сўзлар қаторини топинг:

А) Халқ-давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

В) Ўзбекистон-суверен демократик республика.

С) Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Д) Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир.

Е) Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади.

Муҳсин МУҲИТДИНОВ,
Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор,
Ҳамида ТЎЙЧИЕВА,
ДТМ эксперти

1-жадвал

Бўлимлар	1998 даража			1999 даража			2000 даража		
	энг паст	ўрта-ча	энг	энг паст	ўрта-ча	энг юқори	энг паст	ўрта-ча	энг юқори
1.Конституциянинг қабул қилиниши	42	51	56	39,63	48,2	56,78	36,14	38,6	41,07
2.Асосий принциплар	2	64	86	38,15	42,5	53,68	33,33	48,9	76,27
3.Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари	30	57	80	43,55	49,6	63,22	58,4	71,03	83,63
4.Жамият ва шахс	32	68	84	38,5	49,9	60,1	29,09	44,01	49,88
5.Маъмурий ҳудудий тузилиши	32	52	67		56,26			44,24	
6.Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши	34	57	60	29,54	43,4	58,88	36,49	41,6	57,89
Жами	28	60	72	31,56	48,31	48,7	32,24	48,06	51,4

2-жадвал

Кичик бўлимлар	1998	1999	2000
1.1 Конституциянинг қабул қилиниши	51%	48,2%	38,6%
2.2 Халқ ҳокимиятчилиги	74	48,15	49,35
3.2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар	63	45,7	71,06
4.2. Жамоат бирлашмалари	59	49,91	37,47
6.1. Олий Мажлис	60	51,8	46,75
6.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти	60	46,02	42,47
6.5. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари	55	37,45	45,9
6.6. Суд ҳокимияти	58	40,52	20,71

1-илова

1999



2-илова

1998



3-илова

2000



Психология талабига мувофиқ ўқувчига, хусусан, қуйи синф ўқувчисига мўлжалланган ҳар қандай дидактик восита таълимга бевосита алоқаси бўлмаган нарсалардан холи, оддий, содда бўлгани маъқул.

Мактабларда болалар қандай бадиий адабиёт ўқиганлиги назоратга олиниши ва ҳар ҳафтада бу ҳақда кундаликка алоҳида белги қўйилиши лозим.

ЎЗИНГНИКИГА НИМА ЕТСИН

ёки таълим жараёнида маҳаллий кўргазмали воситаларнинг ўрни хусусида





Географиядан давлат таълими стандарти меъёрида ўқувчи ўзлаштириши шарт бўлган дидактик маълумотларни ўрганиш жараёнида хилма-хил таълим воситалари, хусусан, ўқув атласи ва картанинг ўрни ўзгачалир.

Жумладан, географик нарса, ҳодисалар қуламини, муайян материк, қитъа ёки алоҳида давлатларнинг рельефи ва сарҳадлари қиёфаси (конфигурацияси)ни, шунингдек, географик урин, горизонтал ҳамда вертикал зоналаниш каби тушунчаларни идрок қилиш, тасаввур ва тавсиф қилишда ўқув атласи, жумладан, харита ниҳоятда асқотади.

Тошкент картография фабрикаси томонидан айнан 8-, 9-синф ўқувчиларига мўлжаллаб. 1999-2000 йилларда тузилган ва нашр этилган атлас умумий урта таълим мактабининг география предметига оид ўқув мажмуани янада такомиллаштирди.

Атласни дафъатан қўлга олган киши унинг оддий қоғозга чоп қилинганиданоқ айнан мактаб ўқувчисига мўлжалланганига қаноат ҳосил қилади.

Инчунун, ўқувчига мўлжалланган ҳар қандай дидактик восита ялтироқ қоғозда чоп қилинмайди. Чунки бундай қоғозда чоп қилинган ўқув қўлланмадан фойдаланилганда кўз ортиқча зўриқади. Хусусан, ўқувчининг мурғак кўзи тез толиқади. Шу боисдан ҳам тиббиёт бундай қоғозга ўқув қўлланма чоп этишни қатъиян ман қилади. Қолаверса, бундай қиммат қоғоз туфайли ҳар қандай ўқув воситасининг нархи қимматлашади.

Психология талабига мувофиқ ўқувчига, хусусан, қуйи синф ўқувчисига мўлжалланган ҳар қандай дидактик восита таълимга бевосита алоқаси бўлмаган нарсалардан холи, оддий, содда бўлгани маъқул. Шу жиҳатдан қараганда, Тошкент картофабрикаси тузиб нашр этган атлас саҳифалари(ҳошияси)да ўқувчи фикрини чалғитувчи кераксиз безакларни учратмаймиз.

Атласларнинг яна бир жиҳати, уларни айнан 8-синфда урганиладиган — Узбекистоннинг иқтисодий ва социал географияси билан 9-синфда урганиладиган — жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси курсларининг таркиби ҳамда мазмуни билан уйғунлигидир. Атлас хариталари урта умумтаълим дастурига мос тушади. Хариталар аталиши дастурдаги мавзулар билан ҳамоҳанг, айни вақтда ўқувчиларнинг мустақил ўқув машқларига йўгрилган қўлланма — ёзувсиз хариталар билан умумийлик касб этади.

Куп йиллик тажрибамга таяниб айтишим жоизки, реал объектлар, тоғ, текислик, водий, денгиз, дарё ва ҳоказоларни ўқувчи аниқ тасаввур этишида схема ва символикалардан фойдаланиш ҳам дидактик жиҳатдан кўпгина қулайликлар яратади. Зеро, атласнинг хилма-хил жадвали, схема ва символикаларга бойлиги ундан унумли фойдаланишни кафолатлайди. Масалан, биргина машинасозлик ва металлни қайта ишлаш харитасида "автомобилларни аҳолига сотиш" акс этган жадвалнинг маълумотлари турли русмдаги автомобиллар расм тасвири билан бойитилган. Умуман, моделлаштирилган барча турини комплекс ҳолда меъёрида қўлланилганини беистисно барча хариталарда кузатиш мумкин.

Юқорида таъкидланган фикрларни ўқув атласларининг илмий-методик таҳлилдан иборат тақриз сифатида тушунмаслик лозим. Атласни янада такомиллаштиришга оид таклифларимиздан картофабрикадагиларни воқиф этганмиз ва улар фикримизни мамнуният ила қарши олдилар. Жумладан, "қатлама" усулидаги ўқув атласи яратишга оид таклифимиз ниҳоятда манзур бўлди.

Картофабрикада 5-, 6-, 7-синфлар учун ҳам ўқув атласлари тузилиб, янги узбек алифбосида нашр қилишга тахт турганини ва географиянинг барча курслари бўйича ёзувсиз хариталар, ўнлаб номда деворий (осма) хариталар ҳамда қанчадан-қанча шаҳарларнинг чизма тархлари тайёрланаётганини кўриб, беихтиёр "узингникига нима етсин" дейсан киши.

ПАЁЗ МУСАЕВ,
ЎзПФИТИ катта илмий ходими,
педагогика фанлари номзоди

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «ҚАРО КЎЗ»И КИМ БЎЛГАН?

ёхуд ўлим фалсафаси акс этган ғазал

Мумтоз адабиётнинг ноёб жавоҳири-ғазал аксари ҳолларда жанр талабига айланган асрий анъаналар йўриғида яратилиб келинган. Бу эса, гўё уни яратувчи шоир учун асосий мезон ўз кечинмалари, туйғулари, кайфиятини акс эттиришдан четроқда туриб, муайян шаклий талабларга жавоб беришдангина иборат, деб тушунилади. Дарвоқе, бундай тушунчада ҳам муайян ҳақиқат бор: ғазал жанр талаблари нуқтаи назаридан бир қанча асрлар давомида барқарор мезонлар асосида яратилиб келди. Шундай бўлса-да, шоирнинг руҳий ҳолати ғазалга кўчган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Хусусан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг айрим ғазалларида ҳаётларининг муайян онларидаги ҳолатлари билан боғлиқ воқеалар, ҳодисалар акс этган. Назаримизда, Навоий ҳазратларининг "Қаро кўзум"и шундай ғазаллардан. Бу ғазални турли даврларда Эркин Воҳидов, Нажмиддин Комилов, Нусратулла Жумахўжа каби бир қанча олиму адиблар шарҳлашган. Уларнинг шарҳларида, шубҳасиз, кашфиётлар кўп. Биз уларни доимо диққат-эътиборимизда тутамиз. Бовужуд, мен буюк Навоийнинг оддий бир мухлиси сифатида мазкур ғазални ҳар гал ўқиганимда, кўз ўнгимга ҳазратнинг ошуфтаҳол сиймоси келаверади. Бу ҳолатни, азиз газетхон, улуғ бобокалонимиз вафотига 500 йил тўлган онларда сизга изҳор этгим келди. Бунда мен шоир ушбу ғазални ёзаётганида қандай кайфиятда бўлганини ўзимча тасаввур қилдим, айрим ҳолларда фаразга ҳам ўрин бергим келди. Мақсад — бу шеърни расмий ғазалиёт назарияси асосида шарҳлаш эмас, балки шоирнинг сатрлариаро жо бўлган кўнгил сирларига ошно бўлишдир.

Навоий "Қаро кўзум" ғазалини ҳаётининг оғир пайтларида ёзгани тайин. Инсон фақат моддий эмас, маънавий-руҳий қийноқлар таъсирида ҳам шундай маҳзун асар ёзиши мумкин. Шоирнинг бундай оғир пайтлари Абусаид Мирзо ҳукмронлик қилган йилларга тўғри келади. Эҳтимол, ғазал "жалои ватан", яъни ўзи туғилган она юртдан чиқиб, мусофирликнинг оғир машаққати остида эзилган, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан қийналган, ҳамиша атрофида бўлган ёру дўстларининг ҳижрони ўртаётган, ёнида бир мунис-меҳрибони қолмаган, айрилиқ дарди юрагини симсим эзиб турган вақтда қоғозга тушгандир. Бунинг устига, шоир ўша онларда балки хаста ҳам бўлгандир. Шундай пайт Навоий ҳаётининг Самарқандга эндигина келган кунларига тўғри келиши ҳам мумкин. Маънавий-руҳий бўҳрон чангалига тушган, ўзини кимсасиз, ғурбат чоҳида қолган деб ҳис қилган 25-26 ёшли Алишернинг дафъатан хаёлига бу фоний дунёдан қўл силкиб, барча уқубатлардан биратўласи қутулиб қўя қолиш истаги туғилган ва "Азроил, яхшиси, жонимни олиб қўя қол!" дейишга мажбур бўлгандек туюлади. Буни шоир шеърда фасоҳат талаби билан бадиий ифодалаши керак эди. Зотан, мумтоз адабиёт ва ўтмиш тарихчиларимизда бундай тасвирни кўп учратганмиз. Жумладан, Шарафиддин Роқимий (XVII-XVIII асрлар) "Тарихи томм" асарида "1501 йили Алишер Навоий вафот этди" деган гапни фасоҳат санъати талаби билан шундай ифода этади: "...санаи 906 ҳижрий мушарраф барот ойининг авваларида унинг ҳаёт рўзномасини фарди ботил сингари кеча ва кундуз дафтаридан чиқариб ташлади; унинг аъмоли варақлари ва афъоли рақамлари жузвларини "Иннамо ҳисобаҳум инда раббиҳум" девонгоҳига элтди". Алишер Навоий ҳам шу услубга амал қилиб, Азроилни манзура, маҳбуба тарзида ифода этади. Шоирнинг дилидан беихтиёр шундай сатрлар сизиб чиқади:

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросиға мардум киби ватан қилғил.

Бу байтдаги айрим сўзларнинг маъносини шарҳлашга уринайлик. "Қаро кўзум" — фариштa, малоика. Мумтоз адабиётда оқ юзли, қора қошли, қора кўзлини "пари", "париваш" деб аташ кўп учрайди. "Мардумлиғ" — инсонга, одамларга хослик. "Фан" — моддий асосга эга тадқиқот, билим соҳаси; "илм"га муайян даражада зид тушунча. "Илм" бу - ақл, мантиқ, мушоҳада, кўнгил ёрдамида англанадиган ҳақиқат. Шу боис, одамларнинг кундалик турмуши, тирикчилиги учун кўпроқ фан асқотади. Шу изоҳларни эътиборга олсак, байт мазмуни қуйидагича бўлади: фариштам, ёнимга келгин, одамларга, инсонларга хос хусусият касб қилгин (негаки, фаришталар, малоикалар нурдан, одам тупроқдан яратилгани учун орада катта фарқ мавжуддир); одам, инсон ватанга, яъни муайян яшаш масканига эга бўлиши табиийлигидан, даъваткор(ошиқ) "Сен менинг кўзим қорасиға жойлашгин", дейди. Демак, даъват этувчи учун даъват этилаётган энг азиз, энг ардоқли; халқ тили билан айтганда, "кўзининг оку қораси".

Кейинги байт даъваткор (ошиқ)нинг бу илтижосини, унинг манзурага бўлган муносабатини янада ойдинлаштиради:

Юзунг гулига кўнгул равзасин ясаб гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Байтнинг мазмуни: юзинг — гул. Модомики, гул экан, бу гул учун менинг кўнглимнинг бўстони гулшан (маскан) бўлсин. Қаддинг (гул) ниҳолига жонимнинг гулшанини чаман айлагин.

Англашиладики, даъваткор манзурани чақираркан, унинг ўзи учун энг яқин ва мунис кишиси бўлишини, қалбининг тўридан жой олишини истайди. Лекин орага "жон" сўзи киргани кишини ўйлатиб қўяди: нега қаддининг ниҳоли айнан "жон гулшани"дан жой олиши керак? Дарвоқе, "жон" сўзидаги "алиф" манзуранинг қадди ниҳолига ишора. Бу — байт мазмунининг бир томони. Иккинчи томони шундаки, "жон" сўзи беҳуда тилга олинмаяпти. Даъват этилган манзурага "жон"дан ўрин ол, дейиш унга "жон фидо" дегани ҳамдир. Бу манзуранинг "жон олғувчи" эканига ишора бўлса керак. "Жон олғувчи" эса, ўлим фариштасидир. Иккинчи мисрадаги "жон" сўзи бадиияттаги ийҳом санъатини ёдга туширади. Бу санъат талабига кўра, бундан кейинги мисрада "жон" сўзи келиб, даъваткорнинг фикрини ойдинлаштириши керак. Дарвоқе, иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги "кўнгил равзаси" ибораси ҳам ийҳом санъатига мувофиқ тарзда киритилгандек. Негаки, "кўнгил" — бу қалб, юрак дегани; "равза" — боғ, бўстон. Алҳосил, бу "юрак бўстони" маъносини англатади. Бўстон қипқизил лолалар очилиб турувчи гулзордир. "Кўнгил гулзори" — юрак қонига ишора. Демак, "қон" ва "жон" сўзлари учинчи байтда ийҳом санъати талаби билан шарҳланиши керак.

Таковарингга бағир қонидин хино боғлаб,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Дафъатан бу ерда "таковар" билан "ит" сўзлари нега қўлланилаяпти, деган савол туғилади. Боиси шуки, биз юқорида даъваткорнинг ўлим фариштасини чақириб, жонимни ол деб, илтижо қилганини англаган эдик. Жон олиш, бу — мумтоз адабиётда, хусусан, Алишер Навоий ғазалларида "жон қуши"ни овлаш тарзида ифодаланади. Демак, ўлим фариштаси "жон қушини овловчи", яъни овчи тимсолида тасаввур этилади. Овчининг тимсоли эса шундай: чопқир, гижинглаган от устида, қўлида ўқ-ёй, отган қушларини олиб келувчи ити ёнида. Сайёд қушларни овлар экан, ити ўқ еган сайдларни тишлаб гижинглаган от оёғи остига ташлайди, отнинг туёқлари ярадор қушнинг қонига беланиб, хино боғлагандек қизаради. От туёқлари остида ҳаётдан кўз юмган жон қушининг илоҳий ишқ азобида ғамзада бўлган "жон ипи"ни суғуриб, итингнинг бўйнига арқон қилгин, дейди даъваткор.

Навбатдаги байт:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб ани яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Бизгача ғазални шарҳлаганларнинг якдил фикридек, бу байтда фироқ тоғида кўҳканлик(тоғ қазувчилик) қилган Фарҳоднинг ишқ йўлида чеккан меҳнат-машаққатлари, азоб-уқубатларига ишора бор. Даъваткор бу байтдаги "чарх"дан, яъни дунёдан, бинобарин, тақдири азалдан илтижо этадики, бордию ишқ азоби, ҳижрон уқубати, фироқ меҳнатидан ўлим топиб, тупроғи Фироқ тоғидан топилса, ундан хамир қориб(лой қилиб), қайта жон бахш этилса, яна Фарҳод сингари ишқ-муҳаббат йўлида азоб тортувчи, меҳнат чекувчи кўҳкан қилсин.

Юзунг висолиға етсун игнадин тикан қилғил.

Бу байтни барча шарҳловчилар бир хил изоҳлаганлар: унда осон англашилувчи фикр ифодаланган. Лекин бошқа бир жиҳати ҳам бор: деярли барча изоҳловчилар бу байтни шарҳлашар эканлар, бир оз "ғайримантиқий", "ғайриодатий" ҳолатни кўриб, ҳайрон қолишади: маъшуқасини висолга чақирган ошиқ унга шавқангез, мутрибий гаплар ўрнига "ёшми, қарими, инсоннинг қазоси етганидан кейин, ўлимдан қутулишнинг имкони йўқ", деган ғаройиб "фалсафани" сўқиб туради. Дарвоқе, ғалати жойи йўқ. Негаки, ғазалнинг меҳвари бўлган фикр ҳам "ўлим фалсафаси"дир. Шу боис, бу байт ғазалнинг оддий эмас, шоҳбайтини ташкил қилади.

Кейинги байт:

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб била юву гул баргидин кафан қилғил.

Байтнинг мазмунини англаш қийин. Шунигина қўшимча қилиш мумкинки, жон берувчининг юзида сўнгги дақиқаларда ночорлик, ожизлик ва тақдирга тан бериш ифодаси бўлиши ҳақида ёзганлар. Бу ерда гап жон олувчининг юзида тер кўриниши, пайдо бўлиши ҳақида кетаяпти. Демак, ўлим фариштаси ҳам жон оларкан, руҳий таранглиқдан, қийналишдан юзига тер келади. Буни кўриб жон берувчи тасалли топади. Чунки унинг мақсади жисман фано бўлиб, Оллоҳ билан ваҳдатликка эришиш, бунга эса жон бермасдан етишиб бўлмаслигини англайди. Бу ерда жон берувчи Оллоҳ билан бирлашишнинг дастлабки босқичи сари йўл олади: унинг фармонини бажо келтирувчи фариштанинг юзидаги тер, юқорида кўрганимиздек, унинг тимсоли бўлган гул ғунчасидаги шудринг билан вужудини ювишни ва гул баргидан кафан қилишларини дўстдан илтижо этади. Малоика нурдан яралган мавжудот, у билан кўшилиб, бирлашиб кетишни истайди. Бунда нурга айланиш, мусаффолашишга интилиш сезилади. Кейинги мисра эса, даъваткорнинг бош мақсадини ифодалайди:

Навоий, анжумани шавқи жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Байтдаги айрим сўз ва ибораларга изоҳ берайлик: "анжумани шавқи жон" — жон таслим қилиш, жон бериш анжумани. "Бошоғлиғ ўқ" — ёй ўқи, унинг учига темирдан ясалган новак кийгизилади, охирига эса отилганда узоқроққа учиши учун буғдой ёки арпа бошоғига ўхшаган мосламаси бўлади. "Шамъи анжуман" — йиғилиш, мажлисда ёқиладиган шам. Изоҳларни ҳисобга олганда, байтнинг мазмуни қуйидагича бўлади: Навоий, жон таслим этиш анжуманини тузсанг, "жон" сўзи ичидаги "алиф"ни, яъни жон ўзагига ерда даъваткорнинг "жон"идаги "алиф"(ўқ)нинг мажлисда шамдек ёниши бандаси билан илоҳнинг ваҳдат мавқеига етишишини, яъни бирлашиб кетишини англатади. Зотан, унинг бош мақсади ҳам шу эди.

Кўринадики, Навоийнинг "Қаро кўзум" ғазалида муайян даражада ўлим фалсафаси акс этган. Шу боисдан ҳам бу ғазални азиз кишисидан айрилган вақтда ҳофизлар мотам кўшиғи, гиря, яъни йиғи тарзида куйлаганлар.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,
филология фанлари номзоди

Talqin

Ta'lim fidoyilari

ХОСИЯТ ОПАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Опанинг мактабга директор этиб тайинланиши хосиятли бўлди. Биргина аёлнинг мактабда бирин-кетин ёрдамчи хўжалик, лимонхона, катта боғ барпо этиши ўша пайтларда амримаҳол эди. Аммо табиатан меҳнатсевар, ишбилармон ва билимдон бўлган Хосиятхон опа бу ишларни уддалай олди. Чунки Хосият опа Қораева тиниб-тинчимайдиган раҳбар. Ҳар бир янгиликни тез илғаб, уни ҳаётга тадбиқ этадиган опахоннинг фаолиятини тажриба мактаби сифатида ўрганса арзийди. Опанинг жонажон маскани Денов туманининг Шарқ ҳақиқати қишлоғида жойлашган.

Ҳаётда ҳар кимнинг исми жисмига мос бўлсин экан. 1939 йил 1 сентябрда туғилган қизалоқнинг хосиятли қиз бўлиб етишишини отаонаси орзу қилгандир-да. Дастлабки маълумотни шаҳардаги Й.Охунбобоев номли 2-мактабда олган Хосиятнинг қалбида мактабга бўлган меҳр нури оловланди. Шу боис, у меҳнат фаолиятини 1956 йилда ўқитувчиликдан бошлади. Илму фанга бўлган чанқоқлик уни 1959 йилда Бухоро Давлат Педагогика институти ўзбек филологияси факультети сари етаклади. Бу даргоҳни 1964 йилда битириб, туғилиб ўсган қишлоғига келди ва зукко ўқувчиларни етиштиришда жонбозлик кўрсата бошлади...

1979 йил Ҳ.Олимжон номли 1-умумий ўрта таълим мактабининг директорлик вазифасига кўтарилди. Хосият опа мактаб билан бирга оиласини ҳам тенгматенг тебрата бошлади. Опанинг 8 нафар фарзанди бўлиб, уларнинг 7 нафари олий маълумотли. Саккизинчиси ҳам Термиз Давлат Университетида сиртқи бўлимда таҳсил олмоқда.

Хосият Қораева раҳбарлигидаги зиё масканини улкан ва аҳил оилага қиёслаш мумкин. Мактабда машғулотлар бир навбатда бўлиб, барча ўқитувчилар касбларига чин дилдан ёндашади. 36 нафар ўқитувчи 429 нафар ўқувчига таълим-тарбия беради. Айни пайтда бу ерда инглиз тили, тарих, математика, она тили, география фанлари чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилмоқда. Педагогика ва футбол синфлари ҳам бор. Хосият опанинг ташаббуслари билан эркин фикрловчи, истиқлол мафкурасига, она юртига содиқ ёшларни тарбиялаш мақсадида "Фидойилар клуби" ташкил этилган. Шунингдек, мактабда "Маданий мерос" музейи опа раҳнамолигида фаолият юритаётган бўлиб, унда мисгарлик, кулолчилик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик намуналари, миллий либослар, тақинчоқлар ўрин олган. Ўқувчиларнинг ижодий истеъдодларини ривожлантириш, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида фан тўгараклари, пуллик тўгараклар ва ҳунар ўргатувчи тўгараклар мавжуд бўлиб, ўқувчилар тўлиқ жалб этилган. Бу ишни амалга оширишда кўп масъулият ва табиийки, катта маблағ талаб этилади. Хосият опа бунинг ҳам чорасини кўриб қўйган. Боғ, лимонхона орқали 1996 йилда мактаб 1 млн. 200 минг сўмлик соф даромад олган бўлса, 1998 йилда 3 млн. сўм, 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 4 млн. 100 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, мактабнинг ўз ҳомийси бор. Ў.Қораев номли деҳқон фермер хўжалиги раҳбари О.Аҳмедов хўжалик ҳисобидан стипендия ташкил этиш ва мактабни таъмирлашни ўз зиммасига олган. Шунингдек, кам таъминланган ёш болали оила фарзандларига 20 минг сўмлик дарслик олиб берган.

Хосият Қораева мактаб ва мактабдан ташқари тадбирларнинг барчасига бошқош бўлиб келмоқда. Янгиликка, тараққиётга интилувчан опанинг меҳнатсеварлиги унга фақат бахт келтирди. Аввал Республика "Халқ таълими аълочиси" нишони сўнгра "Дўстлик" ордени соҳибаси бўлди.

Унинг мактаби қатор йиллар давомида турли мусобақаларда қатнашиб ғолиб бўлди. 1999 йилда мактабнинг ҳар томонлама фаоллиги натижасида вилоят "Йил мактаби" кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаб, республикада фахрли 4-ўринга сазовор бўлди.

Хосият опа бошоқ буржи остида туғилганлар. Беихтиёр "толеънома"ни очиб, бошоқ буржи остида туғилганларнинг хислатларини ўқий бошладим "...Бу бурж соҳибаси ўз мақсадлари сари интилиб яшайди. Бу аёл жарликларга тушиб кетса ҳам, ўз йўлидан қайтмайди. Одамлардаги иқтисодчилик, аниқлик, ҳақиқатпарварлик, яратувчанликни юқори баҳолайди ...". Бу тавсиф айнан Хосият опага тегишли десак, хато қилмаган бўламиз.

Шоира Ҳасан қизи

Taassurot

ФРАНЦИЯГА ИЖОДИЙ САФАР

Юртимизнинг бир гуруҳ ўқитувчилари Францияда икки ойлик ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Улар орасида Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари университети роман филологияси факультети декани Эргаш Соатжонов ҳам бор.

—Домла, Францияга ташрифларингиздан асосий мақсад нима эди?

—Авваламбор, "Устоз" жамғармасига ҳамда Франциянинг "Талабаларни ётоқхонага жойлаш" қўмитасига миннатдорчилик билдирамиз. Бу икки жамғарма ўзаро шартнома тузиб, бизни тажриба алмашишга ва малака оширишга юборишди. Гуруҳ таркибида вилоят ҳамда пойтахт олий ўқув юртларининг ўқитувчилари бор эди. Биз икки ой мобайнида Франциядаги таълим тизими бўйича маърузалар тингладик. Сўнгра Франция таълим соҳасидаги жараён билан қизиқдик. Ҳатто француз билим юртларида дарс беришга ҳам муваффақ бўлдик ва ўзимизнинг таълим соҳасига таққослаб кўрдик. Француз тилини яхши биладиган ҳамкасбларимиз билимларини янада мустаҳкамлаб олишди.

—Ўзбекистон ва Франция давлатлари таълим соҳасидаги ўхшашликлар ва фарқли жиҳатлар қандай?

—Таълим тизимимизнинг бир-бирига яқинлиги умумий билим бериш бир хил. Лекин тузилиши жиҳатидан фарқланади. Бизда янги турдаги ўқув юртлари эндигина пайдо бўлаяпти. Улардаги бошланғич босқич биздаги боғчаларга тўғри келади. Шундан сўнг ўрта босқич давом этади. Мана шу босқични тугатгандан кейин улар ишлаши мумкин. Уларга бирор соҳа бўйича мутахассислик берилади. Охирги босқичга университетлар киради.

—Сафар чоғида Франция ёшлари ҳақида қандай таассуротлар орттирдингиз?

—Франция ўқувчи ва талабалари жуда ўткир зеҳнли, ҳуқуқ ва бурчларини аъло даражада билишади. Францияда ҳар бир ўқувчи ёки талаба ўзи қизиққан фанларни танлаб олади. Уларга "Фуқаролик кодекси"ни яхшилаб ўргатадилар, бизда ҳам шундай анъаналар аста-секин қарор топмоқда.

—Шу икки ой мобайнида Франция ҳақида энг ёдингизда қолган нарса, воқеа нима?

—Франциядаги Версал академияси ходимларининг илтифоти, у ердаги "Тур Эффел" минораси, "Нотр Дам" ибодатхонаси, "Лувр" музейи, "Бастилия" қалъаси, Наполеон қароргоҳини кўрганимиз бўлса керак.

ЎзДЖТУ
III курс талабаси
Умрзоқ ҚАРШИБОЕВ
суҳбатлашди.

Ta'kid

КИТОБ ЎҚИЯПСАНМИ, БОЛАКАЙ?

Болалик-пошшолик. Бу давр камолот пиллапоясининг энг нозик, энг масъулиятли ва энг гўзал пайтидир. Ҳаётга, жамиятга муносабат шу палладан жонлана бошлайди. Энг покдомон, энг беғубор туйғулар туғиладиган онлар ҳам болалик йилларига тўғри келади.

Ана шу илк қизиқиш, аниқроғи, илк туйғулар орасида энг ардоқлиси китобга муҳаббатдир.

Хўш, ҳозир фарзандларимизнинг бадиий адабиётга қизиқиши қай даражада? Мактаблар кутубхоналари, оммавий зиёхоналар ўқувчилар билан гавжумми?

Афсуски, бу каби саволларга ижобий жавоб топиш қийин. Болаларнинг китобхонлиги даражаси, адабиётга қизиқиши, юмшоқ қилиб айттанда, кўнгилга таскин берадиган ҳолатда эмас. Андижон вилоят болалар кутубхонаси раҳбари Зуҳриддин Турсуновнинг таъкидлашича, бу ерда фаол китоб ўқийдиган ўқувчилар сони тобора камайиб кетмоқда.

Бунинг сабаблари моҳиятини зудлик билан илмий асосда ўрганиб чиқиш зарур. Аввало, сабаблар ҳақида мулоҳаза юритсак.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёни давом этаётган ҳозирги даврда ота-оналар асосий эътиборни рўзғор тебратиш муаммоларига қаратиб, фарзандларнинг камолоти учун муҳим аҳамият касб этувчи масалаларга эътиборни сусайтирмоқдалар. Бу ижтимоий-маънавий сабаб.

Қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар. Ота-оналарнинг ўзлари қўлларига китоб олишмаса, бу машғулот лаззатини фарзандлар қаердан билишсин. Бу тарбиявий сабаб.

Илгари бува-бувилар узун кунларда набираларига қизиқарли эртаклар, аллалар айтишиб, уларда эзгуликка, яхшиликка, адолатга, адабиётга меҳр-муҳаббат уйғотишарди. Энди бу қадриятлар ўрнини "Оқшом эртаклари"ю, видеофильмлар эгаллади. Болалар ўқигандан кўра кўрган афзал, қабилида тарбия топишмоқда. Бу аҳлоқий сабаб.

Энг жиддий муаммо шуки, ҳозир болаларни дарров ўзига жалб қиладиган асарлар кам. Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев, Сафар Барноевлардай фидойи ёзувчилар кам. Аслида ҳар даврнинг ўз адиблари, ўз адабиёти бўлмоғи лозим.

Вилоятда ягона ҳисобланган болалар давлат кутубхонасидаги китоб жамғармасининг ярмидан кўпроғи рус тилидаги адабиётлардир. Энди бу ва мактаблардаги зиёхоналарни янги китоблар, қўлланмалар ҳисобига тўлдириш ҳақида ҳам ўйлаш керак. Токи болаларга «нега китоб ўқимаяпсан», дейишдан олдин, қандай асарларга қизиқасан ва бу асарлар уйингда, мактабингда, кутубхонада борми, — деган саволни ҳам бериб кўрайлик.

Бу, энг аввало, ота-оналар, ўқитувчилар, қолаверса, кенг жамоатчилик олдидаги муҳим вазифадир. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этишдаги муҳим омиллардан бири бевосита болаларда китоб ўқишга майл-истак уйғотишдир. Бунинг учун таълим муассасалари, оромгоҳлар кутубхоналарида ижодкорлар билан учрашувлар, китобхонлик кечалари, шеърхонлик, "Мен севган асар", "Мен севган тимсол" мавзуларида кўрик-танловлар ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқдир.

Мактабларда болалар қандай бадиий адабиёт ўқиганлиги назоратга олиниши ва ҳар ҳафтада бу ҳақда кундаликка алоҳида белги қўйилиши лозим.

Китоб ўқишга ҳавасманд болаларни рағбатлантириш, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишнинг турли йўлларини топиш лозим. Токи, ҳар бир ўқувчи, ҳар бир бола ҳаёт ҳақидаги энг яхши билим ва тасаввур китоб орқали эгалланишини яхшироқ англаб етсин.

А.АБДУЛЛАЕВ,
ўз мухбиримиз

Ўзингиз сезмасдан, келажак учун Холис бир устодлар бўлиб қолдингиз.

Ҳовлиқиб ўрнимдан турдим-да, хонага кирдим. Онажоним дераза олдида туриб, кўчага нигоҳ ташлаганча, хаёлга чўмган эдилар.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

УМР МАЗМУНИ

Бешикдан то қабрга қадар
Одам умри ажабдир, ажаб.
Боғча фасли тугаса агар,
Қучоғига олгайдир мактаб.

Бир энтикиш, маъюс бир лаҳза
Гўдак қалбин имтиҳон этар.
Бу айрилиқ - илк оғир ларза
Ҳувиллатиб боғчани... кетар.

Сўнг мактабда ўн йиллик ҳаёт,
Ёшлик кечар сойдек гувиллаб.
Бир кун келиб "хайр", дер, ҳайҳот,
Мактаб қолар ортда ҳувиллаб.

Сўнгра эса олий илмгоҳ,
Бунда умр сабоғин олар.
Бул қаср ҳам бир кун қолур, оҳ,
Олтин давр ҳувиллаб қолар.

Сўнг... ҳаётда минг синов кечиб,
Кўражакдир узоқ - ёвуқни.
Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,
Кўп кўражак иссиқ-совуқни.

Ko'ngil bitiklari

Ҳар бир одам ўзи бир олам,
Йўқ ўхшаши, такрори асло.
Дунё ичра дунёдир одам,
Бир - биридан фарқли, мустасно.

Кўз олдида эврилар замон,
Фарқ этади бахтни, рўёни.
Авж нуқтага етганда инсон
Ҳувиллатиб кетар дунёни.

УСТОДЛАР

Умр - сабоқ тўла чексиз бир тарих,
Ўзингиз сезмасдан туриб, ажабо,
Даврни этдингиз таҳлилу таъриф,
Виждонингиз амрин этиб жо-бажо.

Камтар санъатингиз ўтади бурчин,
Гарчанд бу жабҳада сўниб, толдингиз.
Ўзингиз сезмасдан, келажак учун
Холис бир устодлар бўлиб қолдингиз.

"Бир ҳарф ўқитганга юз ганж берсанг оз",
Жаҳоний бир ҳикмат айтибдур устоз.
Бошинг осмонларга етган чоғда ҳам
Ҳар лаҳза устодни эта бил эъзоз.

Шуҳрат қанотида учаркан шогирд,
Хоҳ олим, хоҳ ботир, хоҳ бўлсин шоир,
Устоз ҳузурида шаксиз эгур бош,
Ҳатто Пайғамбарга бўлса-да шотир.

Чиройли-а... Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат-лавҳа.

МУСИҚИЙ ТАРБИЯ ҲАМ ЗАРУР

Мусиқа санъати-бу товуш санъати ҳисобланиб инсонга товуш қабул қилиш органи, яъни қулоқ орқали таъсир қилади. Шу боис фарзанд товушларни эшита бошлаган пайтдан бошлаб, унга мусиқа таъсир эта бошлайди. Мусиқани эшитиш — бу воқеликка пассив қатнашиш бўлиб, гўдак оддий ҳаракат қила бошлаганда ўзи беихтиёр товуш чиқариш имкониятини топади ва бу ҳаракатни бир неча бор қайтаришга интилади. Бу билан у товуш ҳосил қилиш ва товушдан баҳраманд бўлиш талабини қондиради. Гўдакнинг товуш ва унинг манбаларига бўлган муносабати бир неча мамлакатларда ўрганилиб, шу асосда мусиқа тарбияси борасида анчагина ишлар қилинган.

Шулардан бири мактабгача таълим муассасалари учун яратилган мусиқий тренажёр Дуко (дутор-қомуз) бўлиб, бу мусиқий тренажёрдан унумли фойдаланиш масаласи, демакдир. Амалий созшунослик билан шуғулланувчи мутахассислар ўз ижодий фаолиятлари давомида болалар учун чолғулар яратиш, ясаш каби кўпгина масалаларга мунтазам эътибор бериб келишган. Дуко аслида мусиқий чолғулар туркумидан иборат бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни пайдо бўлиш, яратилиш тарихи, конструктив хусусиятлари, мусиқий-акустик имкониятлари, эргономик хоссалари билан ажралиб туради. Дуконинг адресати ҳам маҳаллий мусиқий чолғулардан бироз фарқ қилади. Фарқи шундаки, мусиқий тренажёрдан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётганлар қайси миллатга мансуб бўлмасин, мусиқа билан шуғулланишнинг дастлабки кўникмаларини эгаллашлари мумкин. Чунки мусиқий тренажёр дукода товуш чиқариш усули торларини бевосита ўнг қўл бармоқлари билан чимдиш, чертиш ёрдамида ва товуш баландлиги торлар узунлигини, чап қўл бармоқлари билан босиб қисқартириш орқали бажарилади. Бундай чолғулар танбурсимон хордофонлар туркумига мансуб бўлиб, дунёнинг бир неча халқларида мавжуд. Улардан биз билган ва оммавийлари: гитара, балалайка, дутор, дўмбира кабилар. Бу маънода дуко мусиқий тренажёр сифатида маҳаллий, миллий ҳам миллатлараро мусиқий тарбия воситаси сифатида, янги ўқув-машқ қуроли тарқасида хизмат қилади. Маҳаллий миллат вакиллари учун дуко тренажёридан фойдаланиш, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дутор чалишнинг илк кўникмаларини ўзлаштириш учун кенг фойдаланилади. Бугунги кунда пойтахтимизнинг 46 та боғчасига 188 дона дуко тарқатилган бўлиб, ушбу боғчаларда ансамбллар тузилган ва улар концертларда мунтазам қатнашиб келишмоқда. Аммо Тошкент бўйича дуко тарқатилган боғчалар сони пойтахтимиздаги боғчалар сонига нисбатан анча кам. Шу боисдан, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг мактабгача таълим бўлимида яқинда бўлиб ўтган йиғилишда пойтахт боғчаларининг ҳар бирини бир донадан мусиқий тренажёр—дуко билан таъминлаш ва мусиқий тарбия ишларида дукодан фойдаланиш имкониятига эга бўлган боғчаларга 6-12 донадан дуко мусиқий тренажёри тарқатиш масаласи кўрилди.

Албатта, дукони боғчаларга тарқатиш ва мусиқий тарбия ишларида унумли фойдаланиш маълум сарф-харажатларни, меҳнатни, доимий эътиборни, фидойиликни талаб қилади.

Бу фойдали ишни фақат Тошкент шаҳри билан чегараланиб қолмай, Республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам тарқатиш мумкин.

Абу Боқий ибн ҲОШИМ

ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР ЗАФАРИ

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли ихтисослашган 4-сон болалар ва ўсмирлар гимнастика мактаби спорт саройида қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилиги учун мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада Самарқанд ва Тошкент шаҳридан элликка яқин ёш гимнастикачи қизлар иштирок этдилар.

Спорт устаси дастури бўйича гимнастикачилар ўртасида барча совринли ўринларни самарқандлик гимнастикачилар эгалладилар. Биринчи ўрин Шохсанам Исакова, иккинчи ўрин Анна Савченко ва учинчи ўрин Олеся Абдурасуловага насиб этди.

Иккинчи разрядли ёш гимнастикачилар ўртасида биринчи ўринни самарқандлик Женя Осипова, иккинчи ўринни тошкентлик Диана Яхнина, учинчи ўринни тошкентлик Елена Броверман эгалладилар.

Ғолиблар ва совриндорларга Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими, шаҳар спорт қўмитасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари топширилди.

М.АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Sport maydonchasi

ЎЗГАРИШЛАР...

Олий лига клубларида ўзгаришлар давом этмоқда. Раҳмонқулов, Усмонхўжаев "Насаф", Жданов, Сайткамолов, Кошелев, Беляков "Пахтакор", Игорь Нестеров "Нефтчи" жамоаларида кўрикдан ўтишмоқда. Аввал "Насаф", кейин "Нефтчи"да тўп сурган украиналик ҳимоячи Поддубний ўз юртига қайтиб кетган. Ўзгаришлар давом этмоқда.

ЭСЛАШГА АРЗИЙДИ

Ўзбек спортига XX аср туҳфа этган муваффақиятлар сирасига Сидней олимпиадасининг медаллари билан бирга бокс ҳакамлари орасида ҳамюртимиз Раҳматхон Тиллаевнинг кучли тўртликда эътироф этилганини ҳам киритиш ўринли бўлади. Бугун дунё спорт оламида ўзбекистонлик ҳакамлар одиллиги тан олинаётгани ҳақида чет эл матбуотида ҳам бот-бот айтилаётгани ҳам бунга изн беради.

СОҒЛИК ҲАМ БОЙЛИК

Маълум бўлишича, ўтган асрнинг иккинчи ярмига қадар саломатлик омили сифатида минглаб кишиларни ўзига жалб этган спорт кейинги 50 йил ичида соғликдан кўра кўпроқ бойлик манбаи сифатида эътибор қозонган. Миллионлаб спортчилар орасида юқорироқ натижа учун бериладиган моддий рағбат учунгина спортни тарк этмаётганлар 90 фоиздан юқори экан.

МАҲАЛЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТ

Соғлом авлод йили тутаб, Оналар ва болалар йили бошланган кезларда Шайхонтоҳур туманида ўзига хос мусобақа бўлиб ўтди. "Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод" шаҳар кўрик-мусобақасининг туман босқичида Кўкча, Лабзак, Шоилҳом Шоюсупов, Ёқув Зиёев, Янгиобод, Чўлпон ота маҳаллалари ёшлари иштирок этишди.

МЕЗБОНЛАР ОЛТИНЧИ

Москвада якунланган ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги хоккей бўйича жаҳон чемпионатида майдон эгалари 6-ўрин билан кифояланди. Чехия ва Финляндия жамоалари финалда учрашган бўлса, шведлар канадаликлар билан учинчи ўрин учун музга тушдилар. Швейцария термаси 5-ўрин учун кечган баҳсда россияликларга имконият қолдирмади.

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Кўрсаткич қўйилган хонадан соат мили йўналишида: 1. Ранглардан жозиба кашф этувчи санъаткор. 2. Қишда хизмат қилувчи, тахтадан ясалган тўрт оёқли буюм. 3. Тоғ меваси. 4. Математик амал. 5. Арабистондаги мунаввар шаҳар. 6. Камчиликларни таъкидлаш. 7. Наво, оҳанг, куй. 8. Юмор, ҳажв. 9. Нон ёпиш мосламаси. 10. Хавф, қўрқитиш. 11. Турли жинслардан кесиб, йўниб ясалган асар. 12. Кўникма, одат. 13. Шудринг. 14. Ўзбек улусларидан бири. 15. Майда-чуйда савдоси билан шуғулланувчи савдогар. 16. Балиқ тутиш мосламаси.



Валижон АБДУЛЛАЕВ тузди

Газетамизнинг 6 январь сонида берилган "Ўзбекистоннинг сув манбалари" (кроссворд-тест) жавоблари

(7-синф "Ўзбекистон табиий географияси" дарслиги асосида)

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Хисорак. 2. Писком. 3. Қатлам. 4. Тошкент. 5. Электр. 6. Чортоқ. 7. Қорасув. 8. Ғовасой. 9. Оқдарё. 10. Чордара. 11. Гирдоб. 12. Сангзор. 13. Тошсоҳа. 14. Чотқол. 15. Тўлқин. 16. Жайхун. 17. Жарсой. 18. Пўртана. 19. Каскад. 20. Саноат. 21. Арнасой.

ЧАЙНВОРД

22. Амударё. 23. Оқим. 24. Мавж. 25. Жилға. 26. Арис. 27. Сардоба. 28. Айри. 29. Исфара. 30. Ариқ. 31. Қайроққум. 32. Муз. 33. Зарафшон. 34. Нукус. 35. Сўх. 36. Хўжакент. 37. Тяншан. 38. Норин. 39. Намлик. 40. Карки. 41. Ирмоқ. 42. Қирғоқ. 43. Қорадарё. 44. Оқсув. 45. Вахжар. 46. Роҳат. 47. Тўполондарё. 48. Орол. 49. Лойқа. 50. Андижон. 51. Нураш. 52. Шероботдарё. 53. Окус. 54. Сурхондарё. 55. Оқсоқота.

МУАММОНОМА

Айланаларда: Сангардакдарё. Шакл марказида: Сув бор жойда — ҳаёт бор.

ОНАИЗОР

Badia

Бугун ўғлим курсдошлари билан ўтиришга кетган.

Кеч ҳам кирди, ўғлимдан дарак йўқ. Соат миллари эса қасдма-қасд жуда секин юраётганга ўхшайди, назаримда. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган. Ҳамма уйқуда. Нақадар сокин тун, гўё ҳаёт тўхтаб қолгандек...

Кутилмаганда ичкаридан оёқ товушлари эшитилди. Қизим экан:

— Ҳали ҳам акамни пойлаб ўтирибсизми, опажон. Нега хавотир оласиз, кап-катта йигитларку?! — деди менга куюниб.

— Секинроқ қизим, адангни уйғотиб юборасан. Сен кириб ухлайвер, мен ҳозир ётаман, - дедим-да, уни хонасига киргизиб юбордим.

Вақтни енгиш умидида қўлимга китоб олдим. Қўлимда китоб, лекин хаёл узоқ болалик йилларига етаклаб кетди...

Ўша пайтлар катта укам мактабда юқори синфда ўқир эди. Отам хизмат сафари билан Москвага кетганлар. Укам синфдошлари билан ўтириши борлигини айтиб, онамдан жавоб сўради. Онам унга кеч қолмаслигини тайинлаб, жавоб бердилар.

Ҳаммамиз ўз ишимиз билан банд бўлиб, бирпасда кеч кирганини ҳам сезмай қолибмиз. Онам кириб ухлашимизни, эрталаб барвақт уйғотишларини айтдилар. Биз — укам, синглим хоналаримизга кириб кетдик...

Бир маҳал нимагадир чўчиб уйғондим, қарасам ҳали ҳам рўпарамдаги хонанинг чироғи ўчмаган. Ҳовлиқиб ўрнимдан турдим-да, хонага кирдим. Онажоним дераза олдида туриб, кўчага нигоҳ ташлаганча, хаёлга чўмган эдилар.

— Ойижон, ҳали ҳам ухламадингизми? Укам кап-катта йигит бўлса, нега хавотир оласиз? Ёки кўнглингиз нотинчми? — деб сўрадим.

— Йўғ-э, болам, кўнглим худога шукр, тинч. Нега ухлай олмаётганимни ўзинг она бўлганингда биласан, қизим. Сен кириб ухлайвер, ҳозир уканг ҳам келиб қолади, бора қол, — дедилар, бошимни силаб.

Йиллар ўтди... Ҳозир ўзим ҳам онаман. Бугун ўғлим ўтиришга кетган. Кўнглим тинч-ку, лекин ухлолмайман.

Кўзим ўғлим йўлларига нигорон.

Рихсият ШОКИРОВА, Тошкент шаҳридаги 274-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси

Xullas...

"ҚАТАҒОН"ГА УЧРАГАН ДАРАХТ

Курорт шаҳри Қримнинг рамзий дарахти сарв эди. Бу дарахтни қатағон қилиш Сталин даврларидан бошланғанлиги ҳақида гап-сўзлар бор. "Халқлар доҳийси" айтган эканки, ҳар бир сарв дарахти тагига снайперлар яшириш мумкин. Шу боис, у жиддий хавф туғдиради...

Ҳозирги вақтда маҳаллий ҳокимият вакиллари сарвни чивин чақирувчи, шунингдек, сил касаллиги таёқчаларини вужудга келтирувчи манба деб ҳисоблашмоқда. Бундан ташқари, сарв аллергия ҳам қўзғатар экан.

Ялта кўчатхонасидаги юзлаб сарв дарахтларининг тақдири ҳақида бир нарса дейиш қийин, дея хабар беради "Казпресс".

Кўчатларни денгизнинг жанубий қирғоқларига ўтказиш ҳақида таклифлар бўляпти. Наҳотки, энди сарв дарахтини ҳам ботаника боғларида энг кам учрайдиган ўсимлик сифатида кўрсак.

1000 ДОЛЛАРЛИК СТИПЕНДИЯ

Воронеж техника университетнинг тўртинчи курс талабаси Сергей Коробченкога 1000 долларлик стипендия тайинланди.

Америка аэрокосмик компанияси Сергей ишлаб чиққан тадқиқотнинг аҳамиятини тан олди. Ракета двигателларини суюқ ёқилғи билан таъминлаш борасидаги таклиф иқтидорли талабага бу қадар катта эътибор келтиради деб, ҳеч ким ўйламаган эди. Океанортидаги мамлакат мутахассислари таъкидлашмоқдаки, космосни забт этиш борасида Коробченконинг лойиҳаси жуда қўл келади. Бунга кўра, ер космик кемалари Галактика ва бошқа юлдузларга қадар масофани бир неча бор қисқартириш мумкин. Демак, иқтисодий тежамкорлик фанга янгилик келтирмоқда. Стипендия ўзини оқлашига шубҳа йўқ.

ТЎРТОЁҚЛИ МЕРОСХЎР

Пенсионер Ирина Казакова ўзининг икки хоналик квартирасини кучугига қолдириш ҳақида васиятнома тайёрлади. Кампир кўп йиллар тўртоёқли «дўсти» билан яшаб, унга суяниб қолувди. Аслида кучук кўчада қаровсиз қолиб кетган, меҳрга зор бўлиб, фақат кампир туфайлигина жон сақлаб қолганди.

Ҳамма ҳайрон. Васиятнома итга ҳам ёзиладими? Кампир оламдан ўтгач, итнинг атрофида ўралашиб қолувчилар шубҳасиз кўпайса керак...

ana shunaqa gaplar...

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Беҳбуд БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2017. Тиражи 36.750.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.